

Қирғизистоннинг биринчи муфтийси Кимсанбой ҳожи Абдурахмонов



19:12 / 23.11.2022 1891

Марказий Осиёнинг етук уламиси, Қирғизистоннинг биринчи муфтийси бўлган Кимсанбой ҳожи Абдурахмонов 1940 йил 10 июль куни Фарғона вилоятининг Янгиобод қишлоғида таваллуд топди.

У 1957 йилда ўрта мактабни тамомлаб, 1959 йил Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасига ўқишга кирди.

1962-1966 йилларда Совет Иттифоқи Узоқ Шарқ денгиз флотидида хизмат қилди. Хизматдан қайтгач, Мир Араб Ислом мадрасасида ўқишни давом эттирди ва 1971 йилда таҳсилни муваффақиятли тамомлади.

1971-1976 йилларда «Совет Шарқи мусулмонлари» журналида бир неча йил хизмат қилган.

Олим илми давом эттириш мақсадида 1976-1980 йилларда Иордания давлат университетининг шариат факультетида таҳсил олади.

1980-1982 йилларда «Совет Шарқи мусулмонлари» журналининг араб ва ўзбек тилларидаги нашрлари муҳаррири бўлиб ишлаган.

1982-1986 йилларда Кимсанбой ҳожи Бухородаги Мир Араб мадрасаси мудир лавозимида фаолият олиб борган.

Кейин 1987-1989 йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний

назоратининг фатво бўлимида фаолиятини давом эттиради.

1990-1992 йиллар ўртасида диний назоратнинг Қирғизистондаги вакили, Қирғизистон қозиси бўлиб ишлайди. Кимсанбой ҳожи Абдурахмонов шу йилнинг август ойида ўтказилган Қирғизистон мусулмонларининг биринчи қурултойида янги тузилган Қирғизистон диний бошқармасининг раҳбари ва муфтийси этиб сайланади.

1992 йилда уламонинг ташаббуслари билан Бишкекда диний мадраса очилади.

1993 йилда ушбу мадраса «Ҳазрати Али» номидаги ислом институтига айлантирилади. Собиқ муфтий, эътиборли уламо Кимсанбой Абдурахмонов Қирғизистонда кўплаб масжидлар қурилишига ҳам эътибор қаратган. Собиқ Иттифоқ даврида Республикада 36 та масжид фаолият юритган бўлса, Кимсанбой Абдурахмоновнинг ташаббуси ва тадбири билан уларнинг сони мингдан ортган.

Манбалар асосида Хуршид Маъруф тайёрлади